

2011- 5 сон

Айбдорнинг жиноий ҳаракати Жиноят кодексининг ортиқча моддалари билан квалификация қилинганлиги сабабли суд қарорлари ўзгартирилди.

Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди апелляция инстанциясининг 2009 йил 29 сентябрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган, шу вилоят судининг 2009 йил 21 августдаги ҳукмига асосан Б. Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «и,л» бандлари билан 17 йил, 164-моддаси 3-қисми «г» банди билан 12 йил, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида узил-кесил 19 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б. 2009 йил 3 март куни соат 21ларда маст ҳолатда жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, жамоат жойи ҳисобланган Андижон шаҳар, Н.Умаров кўчаси, 44-кўп қаватли уй ёнидан ўтиб кетаётган Х.ни ҳақорат қилиб, арзимас сабаб билан жанжал чиқариб, О. ва А.ларнинг тинчлигини бузиб, Х.ни бош қисми ва бошқа жойларига қўллари билан уриб, ҳаёти учун хавфли бўлган оғир шикаст етказиб, босқинчилик йўли билан унинг 20.000 сўм пулларини эгаллаб, Х.ни безорилик ва тамагирлик ниятида қасдан ўлдирган.

Суд ушбу жиноят иши бўйича иш ҳолатларини тўғри аниқлаган бўлса-да, аммо Б.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленуми 2004 йил 24 сентябрдаги **«Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг:

1-бандида ҳар бир иш бўйича айб шакли, қотиллик сабаблари, мақсади ва усули аниқланиши, шунингдек, қилмишни тўғри ҳуқуқий баҳолаш ва айбдорга адолатли жазо тайинлаш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар текширилиши кераклиги;

14-бандида айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар учун моддий наф кўриш (пул, мол-мулкни ёки унга эгалик ҳуқуқини, турар жойга нисбатан ва шу каби ҳуқуқларни қўлга киритиш) ёки моддий харажатлардан (мол-мулкни, қарзни қайтаришдан, хизматга ҳақ тўлашдан, мулкый мажбуриятларни бажаришдан, алимент тўлаш ва шу кабилардан) қутулиш мақсадида қасддан одам ўлдириши таъмагирлик ниятида содир этилган жиноят сифатида (Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисми «и» банди билан) квалификация қилиниши лозимлиги кўрсатилган.

Иш бўйича Пленум қарорининг ушбу тушунтиришларига риоя қилинмаган.

Суд Б.ни безорилик туйғулари билан, соат неча бўлганлигини сўраганида айтмаганлиги учун арзимаган сабаб туфайли Х.ни қасддан ўлдириш жиноятини содир этганлиги ҳақида тўғри хулосага келган бир вазиятда, уни моддий наф кўриш учун таъмагирлик ниятида қасддан ўлдирган, деб нотўғри ҳукм қилган.

Дастлабки тергов даврида ва судда Б. Х.дан соат неча бўлганлигини сўраганлиги, у ёнига келиб, кейин айтишини айтганлиги, шу туфайли улар ўзаро жанжаллашганлиги, жанжал пайтида унинг юз қисмига бир неча бор урганлиги, Х. орқаси билан ерга йиқилиб тушганлиги, О. уни Х.дан ажратиб олиб кетганлиги, Х.нинг пулини олмаганлигини баён қилган.

Гувоҳ О. дастлабки тергов даврида ва судда А. билан кўчада гаплашиб турганида, Б.ни Х.билан гап талашган овозини эшитганлиги, Б. Х.ни бир неча бор урганлиги, уларни олдига ажратиш учун А. билан келганида Х. ерда ётган ҳолда юзини яшираётганлиги, Б. унинг устига энгашиб ураётганлиги, Б.ни ажратиб олиб кетганлиги, бошқа кўчага ўтиб келиб, қараганларида Х. ерда ётганлигини кўришганлиги, кейинчалик улар уйларига кетганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Гувоҳ А. дастлабки тергов даврида ва судда О. билан кўчада гаплашиб турганида, Б. Х. билан гап талашган овозини эшитганлиги, Б. Х.ни ерга йиқитиб, ўзи устига чиқиб, юзига муштлаб ураётганлигини кўрганлиги, уларни олдига О. билан тезда бориб, О. Б.ни ажратиб олганлиги, Х. кўчада йўлнинг устида ерда йиқилган ҳолатда қимирламасдан хириллаб ётган ҳолда қолганлиги, бошқа кўчага ўтиб келиб, қараганларида Х. ерда ётганлигини кўришганлиги, у уйига кириб кетганлиги ҳақида кўрсатма берган.

Ишдаги воқеа жойини кўздан кечириш баённомасида, Х.ни эгнидаги шимининг чўнтагидан калит, куртканинг чўнтагидан «Сникерс» шоколади, пластик карточка ва «Pall Mall» сигарет қутиси олинганлиги қайд қилинган.

Жиноят ишида Б.нинг Х.дан пул олмаганлиги ҳақидаги кўрсатмаларини инкор этадиган ҳолатлар ёки Б. Х.ни мол-мулкани талон-торож қилиш мақсадида унинг ҳаёти учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиб босқинчилик йўли билан таъмагирлик ниятида қасддан Х.ни ўлдирганлигини тасдиқловчи далиллар тўпланмаган.

Бундай ҳолатда Б. Х.ни таъмагирлик ниятида босқинчилик қилиш йўли билан қасддан ўлдирган деб бўлмайди.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 21 июлдаги ажрими билан Б.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўгартирилиб, Б.нинг айбидан Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми «г» банди ҳамда 97-моддаси 2-қисми «и» бандини чиқариб, ишнинг шу қисми тугатилди. Ҳукмнинг қарор қисмидан Б.дан жабрланувчи Ю.га 20.000 сўм ундириш қисми чиқарилиб, Б.га Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми «л» банди билан тайинланган 17 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўзгаришсиз қолдирилди.

ЖСХ-133-11-сонли ажрим

